



## FARG'ONA VILOYATI RISHTON TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 15 - avgust

314-11-158-Q/22

Rishton tumani hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги  
ПҚ-331-сонли ҳамда Фарғона вилояти ҳокимининг 2022 йил  
11 августдаги 322-11-0-Q/22-қарорлари ижроси тўғрисида**

Маҳаллаларда саноат, хунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, уларнинг фаолият юритиш шароитларини яхшилаш, аввалам бор ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда замонавий ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилишини жадаллаштириш ҳамда ушбу асосда доимий иш жойлари ташкил этилишини таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги ПҚ-331-сонли ҳамда Фарғона вилояти ҳокимининг 2022 йил 11 августдаги 322-11-0-Q/22-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Маҳаллаларда саноат, хунармандчилик, касаначалик ва чорвачилик микромарказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-331-сонли ҳамда Фарғона вилояти ҳокимининг 2022 йил 11 августдаги 322-11-0-Q/22-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг маҳаллаларда юридик шахс мақомига эга саноат, хунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик

микромарказларини (кейинги ўринларда — микромарказлар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилганлиги;

Микромарказларнинг манзилли рўйхати 1-иловага мувофиқ ҳамда микромарказларни истиқболда ташкил этиш режа-графиги 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

а) микромарказлар маҳаллалар ёки маҳаллаларнинг туташ худудларида бўш турган давлат мулки объектлари негизида ёки қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер майдонида (кейинги ўринларда - ер участкаси) ташкил қилиниши;

б) ҳар бир микромарказ майдони давлат мулки объектининг 150 квадрат метридан ёки ер участкасининг 0,1 гектаридан ошмаслиги лозимлиги, бунда давлат мулки объекти ёки ер участкаси майдони белгиланган миқдордан ошганда, бир худудда бир нечта микромарказлардан иборат микромарказлар комплекси ташкил қилиниши мумкинлиги;

в) микромарказлар заруратга қараб ҳар бир маҳалла учун алоҳида ёки бир нечта маҳаллалар учун аҳолига қулай бўлган жойларда ташкил қилиниши;

г) микромарказларни ташкил қилиш давлат мулки объектлари ва ер участкаларини белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион орқали тадбиркорларга ижара хукуқи асосида бериш йўли билан амалга оширилиши;

д) микромарказларни ташкил қилиш учун давлат мулки объектлари ва ер участкалари қўйидаги шартлар асосида тадбиркорларга 5 йил муддатга ижарага берилиши:

ўз маблағлари ҳисобидан давлат мулки объектини реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ёхуд ер участкасида бино-иншоотларни қуриши;

давлат мулки объекти ва ер участкасида тасдиқланган намунага мувофиқ микромарказ ташкил этиш ҳамда ижара муддати мобайнида белгиланган фаолиятни амалга ошириши;

ташкил этилган микромарказда саноат, ҳунармандчилик, касаначилик фаолият йўналишлари бўйича камида 10 та ёки чорвачилик йўналиши бўйича камида 3 та иш ўрнини яратиши ва таъминлаб бориши;

е) давлат мулки объекти ёки ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги шартнома имзоланган кундан бошлаб 6 ой мобайнида микромарказни

ташкил этиш бўйича зарур чоралар кўрилмаганлиги ёки ижара муддати мобайнида шартнома шартлари бажарилмаганлиги давлат томонидан шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига асос бўлиши;

бунда, шартнома шартлари бажарилмаганлиги сабабли шартнома бекор қилинганда, тадбиркорнинг реконструкция, капитал таъмирлаш ва қурилиш харажатлари қопланмаслиги ҳамда тегишли обьект ёки ер участкаси белгиланган тартибда қайта электрон онлайн-аукционга чиқарилиши;

ж) тадбиркорлар улар томонидан мазкур банднинг "д" кичик бандида белгиланган шартлар тўлиқ бажарилганидан сўнг:

ўз маблавлари ҳисобига ер участкасида курилган бино-иншоотларга (уларнинг қисмларига) мулк ҳуқуқини расмийлаштириши;

давлат мулки обьектларини реконструкция қилиш ва (ёки) капитал таъмирлаш ишларининг харажатлари чегириб ташланган ҳолда белгиланган тартибда аниқланадиган баҳолаш қиймати бўйича ушбу обьектларни хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўлиши;

микромарказларнинг архитектура-режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан ер участкаларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимларни томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети ҳамда вилоятлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобига лойиха ташкилотларини жалб қилган ҳолда амалга оширилиши;

микромарказларни зарур ташки муҳандислик-коммуникация ва транспорт тармоқларига улаш ҳамда уларни қуриш республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилиши;

микромарказлар фойдаланишга топширилган кундан бошлаб 3 йил муддатга ташкил этилган микромарказлар обьектлари ва улар жойлашган ер участкалари бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва мол-мулк солиғи учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдорида қўлланилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

### 3.Туман ҳокимининг ўринбосарлари А.Мустафакулов, А.Жўрабоевлар

манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда доимий равища микромарказларни зарур ташки муҳандислик-коммуникация ва транспорт тармоқлари билан таъминлашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш;

туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими,

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази (Матисломов), Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда **2022 йил 1 декабрга қадар** мазкур қарорнинг 1-иловасига асосан микромарказларни истиқболда ташкил этиш учун бўш турган давлат мулки обьектлари ва ер участкаларининг манзилли рўйхатини шакллантириш вазифалари юклатилсин.

**4.**Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази (Матисломов), тегишли масъуллар билан биргаликда ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимларининг ёрдамчиларини фаол жалб қилган ҳолда:

доимий равишда микромарказларни ташкил этиш учун бўш турган давлат мулки обьектлари ва ер участкаларини аниқлаб борсин ҳамда рўйхатини шакллантирсин;

**2023 йил 1 апрелга қадар** келгуси йиллар учун микромарказларни ташкил этиш режа-графигини (манзилли рўйхатини) туман ҳокимлигига киритсин.

**5.**Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (А.Дехқонов) мазкур қарорнинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

**6.**Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустафакулов белгилансин.

**7.**Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



С.Солиев

Rishton tuman hokimining  
2022 yil 15 avgustdagি  
314-11-158-Q/22-son qaroriga  
1-ilova

**Маҳаллаларда саноат, ҳунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик  
йўналишларидағи микромарказларни истиқболда ташкил этиш**

**РЕЖА-ГРАФИГИ**

№	Туман (шаҳар) номи	Ташкил этиладиган микромарказлар ёки микромарказлар комплекслари сони	Микромарказларни ишга тушириш муддати	
			2023 йил	2024 йил
1	Риштон тумани	1	1	0